

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни маҳсулот,  
жиҳозлар, моддий товар бойликлари билан  
таъминлаш ва хизмат курсатиш бўйича  
№ 1062/22-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «14» Инвар

Кўкон шаҳри

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи Кукон ш. Family Capital MCHJ (кейинги ўринларда «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» деб аталади) номидан раҳбари Н. Бурдуқов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Кукон шаҳар хокимлиги номидан Кукон шаҳар хокимлиги биринчи уринбосари (келгусида «Харидор» деб аталади) Я.Расулов ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети**

- 1.1. «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» «Харидор»га куйидаги маҳсулотларни етказиб беради:  
\_\_\_\_\_ учун
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати \_\_\_\_\_ сумни 00 -тийин ташкил қилади.
- 1.3. Маҳсулотлар 2022 йил \_\_\_ ойга куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	<u>текс. ширков</u>	<u>метр</u>	<u>20</u>	<u>689500</u>	<u>13790000</u>
2	<u>новал «Arstel»</u>				
3					
4					
	<b>Жами</b>				<u>13790000</u>

13.790 000 (Уш уе миллион етти юз тўқсон минг) сум

**1. Ҳисоб-китоб шартлари.**

- 2.1 Олинган маҳсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликлар учун келишилган нархда тўлов жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Шартномани амал қилиш муддати даврида маҳсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликларни уртача нархлари ўзгарганда ўзаро тузилган қўшимча келишувга асосан ушбу ўзгарган нархлар бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилади.
- 2.2 «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, узаро солиштирув далолатномаларига асосан, етказиб берилган маҳсулот киймати учун «Харидор» пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. «Харидор» олдиндан 30 % микдорида тўловни амалга оширади, ҳамда тулик ҳисоб-китобни 60 кун ичида амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30 % микдоридаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

**2. Маҳсулот етказиб бериш:**

- 3.1 «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яъни Инвар 2022 йилда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

**3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:**

- 4.2. «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатган вакилга маҳсулот беради. Агар «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч коғозида курсатилмаган маҳсулотларни ёки маҳсулотларни ишонч коғозида белгиланган микдоридан ортиқ берган холларда бу маҳсулотлар учун «Харидор» томонидан ҳақ туланмайди. Шунингдек, «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» томонидан

«Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотларлар етказиб берилса бу маҳсулотлар «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ туланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.

- 4.3. «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

- 4.4. «Харидор» «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» томонидан юборилган маҳсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган маҳсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

#### 4. Жарималар кўланилиши

- 5.1 Агар «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 4 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 4 % ошмаган ҳолда жарима кўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 5.2 Агар «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» муддатида етказилмаган маҳсулотларни умумий қийматини 4 % миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Харидор»га жарима тўлайди.
- 5.3 Қабул қилинган маҳсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган маҳсулот қийматидан «Харидор» томонидан 4 % миқдорида «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи»га пеня тўланади.
- 5.4 Жарималар тўланиши «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи»ни ва «Харидор»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### 5. <Форс-мажор>

- 6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

#### 6. Шартнома муддати

- 7.1. Шартнома томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати **2022 йил 31 Децаргача**. Маълум сабабларга кўра олинган маҳсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 7.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
  - б) «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
  - в) «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда;
  - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайtirилиши лозим бўлгани ҳолда «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
  - д) нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки кўпайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келишга олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Харидор» «Сотувчи ёки хизмат курсатувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади

#### 7. Қўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосан \_\_\_\_\_ орқали хал қилинади.
- 7.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.
- Шартнома спецификацияси келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдиқланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажралмас қисми ҳисобланади.
- 8.4 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.
- 8.5 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.
- 8.6 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

#### 8. Томонлар ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

«Сотувчи ёки хизмат курсатувчи»

«Харидор»

Family Capital МЧН

Х/Р: 20208000305436663001

ИТ «Алово Банк» БУВБ

МФО: 00401

ИНН: 3088000004

Кукон шаҳар: 48 уй

Раҳбар:

Бош ҳисобчи:

Юристконсулт:

Кукон шаҳар ҳокимлиги

Х/Р: 23402000300100001010

Х/Р: 100011860504057011503018001

Марказий банк Тошкент шаҳар ББ

МФО: 00014

ИНН: 200131299

Кукон шаҳар, Турон кучаси, 1 уй

Кукон шаҳар ҳокими  
биринчи уринбосари:

Бош ҳисобчи:

Я. Расулов

Р. Қулдашев